



# 2023

## ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ

---

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ТЎЛОВ БАЛАНСИ,  
ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МАВҚЕИ ВА  
ТАШҚИ ҚАРЗИ**

Бу қандай  
нашр?

Ушбу нашр 2023 йил учун Ўзбекистоннинг тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ҳамда ташқи қарзи бўйича маълумотларни ўз ичига олиб, Халқаро валюта жамғармасининг “Тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқе бўйича қўлланмаси”нинг олтинчи нашрига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) ҳамда “Ташқи қарз статистикаси бўйича қўлланма”га (2013) мувофиқ тайёрланган.

Маълумотлар  
қайси санага  
долзарб?

Ушбу нашрда келтирилган статистик маълумотлар 2024 йил 31 март ҳолатига долзарб ҳисобланади.

Маълумотларни  
қаердан олиш  
мумкин?

Тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ҳамда ташқи қарзи бўйича таҳлилий ва стандарт кўринишдаги статистик жадваллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг <http://www.cbu.uz/> ва ХВЖнинг <http://data.imf.org/> веб-сайтлари орқали тақдим қилинмоқда.

Нашрга  
тааллуқли  
савол ва  
таклифлар  
бўйича қандай  
муружаат қилиш  
мумкин?

### **А.М. Олимов**

*Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси  
департаменти директори*

(+998) 71 212-60-38

[olimov@cbu.uz](mailto:olimov@cbu.uz)

### **О.О. Тожиддинов**

*Департамент директори ўринбосари – тўлов баланси  
бошқармаси бошлиғи*

(+998) 71 212-60-77

[o.tojiddinov@cbu.uz](mailto:o.tojiddinov@cbu.uz)

### **Ш.Х. Хайитбоев**

*Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи ўринбосари*

(+998) 71 212-60-42

[sh.khayitboev@cbu.uz](mailto:sh.khayitboev@cbu.uz)

Шунингдек, саволлар ва таклифлар қўшимча равишда [val@cbu.uz](mailto:val@cbu.uz) электрон почта манзилига юборилиши мумкин.

## ҚИСҚАЧА ШАРҲ

**2023 йил давомида** Ўзбекистон тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқеи кўрсаткичлари динамикасига, бир томондан жаҳон бозорларида Ўзбекистоннинг асосий хомашё нархларининг ошиши, сафарлар билан боғлиқ хизматлар савдоси ўсиш суръатларининг юқорилашуви, халқаро молия бозорларида юқори фоиз ставкаларнинг сақланиб қолиши каби **ташқи омиллар**, иккинчи томондан иқтисодиёт тармоқларида амалга оширилган кенг кўламли инвестиция лойиҳалари доирасида товар ва хизматлар импорти ҳамда ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатларининг кўпайиши каби **ички омиллар** таъсир кўрсатди.

Ҳисобот даврида импорт ҳажмининг экспорт ҳажмига нисбатан юқори суръатларда ўсиши натижасида, савдо балансининг манфий сальдоси 17,6 млрд. долларни ташкил қилди.

Экспорт ҳажми 24,5 млрд. доллар ва импорт ҳажми 42,1 млрд. долларга тенг бўлиб, 2022 йилга нисбатан мос равишда 12 фоиз ва 18 фоизга кўпайди.

Экспорт таркибида товарлар 19,4 млрд. доллар ва хизматлар 5,1 млрд. долларни ташкил қилган бўлса, товар ва хизматлар импорти мос равишда 34,5 млрд. доллар ва 7,6 млрд. долларга тенг бўлди.

Бирламчи даромадлар сальдоси манфий кўринишда шаклланиб, 761 млн. долларни ташкил этди. Бунда, бирламчи даромадлар бўйича тушумлар 3,6 млрд. доллар, харажатлар 4,3 млрд. долларга тенг бўлди.

Иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси 2022 йилга нисбатан 13 фоизга қисқариб, 10,5 млрд. долларга тенг бўлди. Бунда, норезидентлардан даромадларнинг келиб тушиши 11,2 млрд. доллар, улар бўйича тўловлар 672 млн. долларга тенг бўлди.

Юқоридаги таркибий омиллар таъсирида 2023 йилда Ўзбекистон тўлов балансининг **жорий операциялар ҳисоби** 7,8 млрд. доллар манфий сальдо билан шаклланди.

Мазкур тақчиллик асосан ҳукумат ва корпоратив сектор корхоналари томонидан жалб қилинган ташқи қарз маблағлари, хорижий тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар ҳисобига молиялаштирилди.

2023 йил якуни бўйича **молиявий ҳисоб** манфий сальдоси 9,3 млрд. долларни ташкил этди. Бунда, резидентларнинг молиявий активлари 1,1 млрд. долларга кўпайган бўлса, мажбуриятлари эса 10,4 млрд. долларга ўсди.

Молиявий активларнинг соф ўсиши асосан бошқа инвестициялар билан боғлиқ операциялар 3,9 млрд. долларга ошиши, халқаро захира активлари хорижий валюта компоненти ҳисобига 2,8 млрд. долларга қисқариши ҳисобига таъминланди.

Молиявий мажбуриятлар асосан тўғридан-тўғри, портфель ва бошқа инвестициялар билан боғлиқ операциялар мос равишда 2,2 млрд. доллар, 995 млн. доллар ва 7,2 млрд. долларга кўпайиши ҳисобига шаклланди.

Ҳисобот даврида мамлакатга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг капиталдаги соф ўсиши 870 млн. долларни, бош компаниялардан олинган қарзлар бўйича мажбуриятларнинг соф ўсиши 913 млн. долларни ҳамда хорижий инвесторлар томонидан даромадларнинг реинвестиция қилиниши 786 млн. долларни ташкил қилди. Шунингдек, маҳсулот тақсимотига оид битимлар (МТБ) доирасида инвестицияларнинг соф камайиши 382 млн. долларга тенг бўлди.

2023 йилда портфель инвестициялар манфий сальдоси номолиявий ташкилотлар капиталига хорижий портфель инвестицияларнинг жалб қилиниши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, тижорат банклари ва бошқа корхоналар томонидан чиқарилган халқаро облигациялари учун ҳисобланган фоизлар ҳамда “яшил” евробондлар ҳисобига 995,4 млн. доллар миқдорида шаклланди.

Ўзбекистон Республикасининг **соф халқаро инвестициявий мавқеи** кўрсаткичи 2024 йил 1 январь ҳолатига 12,4 млрд. долларни ташкил этди. Бунда, резидентларнинг чет эл валютасидаги активлари ҳажми 84,9 млрд. долларга, ташқи мажбуриятларининг ҳажми эса 72,5 млрд. долларга тенг бўлди.

2023 йил якунларига кўра **умумий ташқи қарз**<sup>1</sup> ҳажми 53 млрд. долларни ташкил қилиб, давлат ташқи қарзи ҳажми 29,7 млрд. доллар ҳамда корпоратив ташқи қарз ҳажми 23,3 млрд. долларга тенг бўлди.

<sup>1</sup> Давлат ва давлат томонидан кафолатланган (давлат ташқи қарзи) ҳамда давлат томонидан кафолатланмаган (корпоратив ташқи қарз) қарз, шу жумладан, қарз бўйича ҳисобланган лекин тўланмаган фоизларни ўз ичига олади.

## 2024 ЙИЛ УЧУН КУТИЛМАЛАР

2023 йил учун Ўзбекистон ташқи сектор статистикасининг якуний кўрсаткичлари, жорий ва кейинги йиллардаги мамлакатимиз ва унинг асосий савдо ҳамкорларида иқтисодий ўсиш суръатлари, халқаро молия ва товар-хомашё бозорлари конъюнктураси, меҳнат ва капитал миграцияси, ташқи савдо ва логистика соҳаларидаги ўзгаришлар динамикаси бўйича экспертларнинг кутилма ва баҳолашларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси тўлов балансининг 2024 йил учун **асосий** ва **муқобил** сценарийларда прогноз кўрсаткичлари шакллантирилди.

### I. Асосий сценарий

#### Товар ва хизматлар экспорти.

Ўзбекистоннинг экспорт товарлари учун ташқи ялпи талабнинг шаклланиши асосий савдо ҳамкорлардаги иқтисодий фаоллик, фрагментация жараёнлари ҳамда жаҳонда вужудга келган ноаниқликларнинг бартараф этилишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Жорий йилнинг январь ойидаги Халқаро валюта жамғармаси томонидан жаҳон мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларида иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича прогнозлар қайта кўриб чиқилган. Хусусан, 2024 йилда Хитой иқтисодиёти 4,6 фоизга (0,4 фоизга юқорироқ), Россия иқтисодиёти 2,6 фоизга (1,5 фоизга юқорироқ) ҳамда Туркия иқтисодиёти 3,1 фоизга (0,1 фоизга юқорироқ) ўсиши кутиляётган бўлса, Қозоғистоннинг иқтисодий ўсиш суръати бўйича прогноз кўрсаткич (1,1 фоизга) пасайтирилган.<sup>2</sup>

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг асосий экспорт хомашё маҳсулотларининг жаҳон нархлари бўйича ижобий кутилмалар сақланиб қолмоқда. Хусусан, жорий йил бошидан олтиннинг ўртача нархи 1 трой унцияси учун 2 минг доллардан юқори шаклланди. Шунингдек, геосиёсий вазият ҳамда халқаро бозорларда олтинга бўлган талаб юқорилиги фонида ўртача олтин нархининг йил сўнгига қадар ўсиб бориши прогноз қилинмоқда.<sup>3</sup>

Жорий йилда хизматлар экспортининг юқори суръатларда ўсиши бўйича айрим сигналлар мавжуд. Булар саёҳат билан боғлиқ хизматлар (туризм) экспорти бўйича мақсадли кўрсаткичларнинг белгиланиши, ахборот технологиялари (IT) соҳасида кенг кўламли ислохотларнинг

<sup>2</sup> Жаҳон иқтисодий истиқболлари, ХВЖ, 2024 й. январь.

<sup>3</sup> 2024 йил учун олтин бўйича истиқболлар, Жаҳон олтин уюшмаси, 2023 й. декабрь.

амалга оширилиши, шунингдек, Марказий Осиё транспорт коридорларидан фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон транспорт хизматларига юқори талабнинг сақланиб қолишида намоён бўлмоқда. Хусусан, 2024 йилда республикага ўтган йилга нисбатан 60 фоизга кўп (10 млн. нафардан зиёд) хорижий туристлар ташриф қилиши прогноз қилинмоқда.<sup>4</sup>

Юқорида келтирилган омиллар таъсирида, шунингдек, 2024 йилда иқтисодий айрим тармоқларининг (*тўқимачилик, кимё ва озиқ-овқат саноати, металлургия*) халқаро бозорларидаги нисбий устунлиги (рақобатбардошлиги), давлат томонидан ушбу соҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш кўлами ҳамда янги бозорларга чиқиш (халқаро GSP+ тизими) имкониятларининг кейинги йилларда ҳам юқори даражада сақланиб қолиши натижасида, **жами экспорт ҳажми** 2023 йилга нисбатан 9-11 фоизга ўсиши кутилмоқда.

### Товар ва хизматлар импорти.

Импорт товарларига нисбатан истеъмол талаби ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича инвестиция дастурлари доирасида машина-ускуна, транспорт воситалари ва хомашёга талабнинг юқори даражада сақланиб қолиши (2024 йилда реал ЯИМ ўсиши бўйича прогноз 5,5-6 фоиз<sup>5</sup>), шунингдек Ҳукуматнинг фискал тақчилликни камайтириш (*фискал консолидация*) бўйича ҳаракатлари ҳамда ички истеъмолни қондириш мақсадида ёқилғи-энергетика маҳсулотлари (нефть, газ ва электр энергия) импорти бўйича режаларидан келиб чиқиб, 2024 йилда **жами импорт ҳажми** 2023 йилга нисбатан 7-9 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

### Бирламчи ва иккиламчи даромадлар.

2024 йил давомида **бирламчи даромадлар** ўтган йилдаги каби манфий сальдо (*ЯИМга нисбатан қарийб 1 фоиз*) билан шаклланиши кутилмоқда. Ушбу ҳолат халқаро молия бозорларида фоиз ставкаларнинг бироз пасайиши мумкинлигига қарамасдан, нисбатан юқори даражада сақланиб қолиши фонида норезидентлардан сузувчан фоиз ставкаларда жалб қилинган кредитлар ва қарзларга хизмат кўрсатиш харажатларининг кўпайиши билан изоҳланади.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикага хорижий туристлар оқимини кескин ошириш ҳамда ички туризмни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12.01.2024 йилдаги ПФ-9-сон Фармони

<sup>5</sup> 2023 йил IV чораги учун “Пул-кредит сиёсати шарҳи”. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нашри, 2023 йил.



Меҳнат миграцияси оқимининг анъанавий давлатлардан бошқа муқобил давлатларга ўтиши, ҳукуматлараро шартномалар доирасида муҳожирларни ташкилий асосда ишга қабул қилиш бўйича махсус дастурлар кўлами ҳамда меҳнат муҳожирларини қабул қилувчи асосий мамлакатлардаги иқтисодий фаоллик бўйича кутилмалар, шунингдек трансфертлар ҳажмининг тарихий ўртача ўсиш суръатларини инобатга олиб, 2024 йилда Ўзбекистонга халқаро пул ўтказмалари ҳажми 2023 йилга нисбатан 5-10 фоизга ошиши ва **иккиламчи даромадлар** компонентининг ижобий сальдо билан шаклланиши прогноз қилинмоқда.

### Молиявий ҳисоб операциялари.

2024 йилда жорий операциялар ҳисоби дефицити асосан хорижий **тўғридан-тўғри инвестициялар**нинг соф киритилиши (*энергетика, тоғ-кон, машинасозлик, кимё саноати, банк-молия ва бошқа соҳаларга киритилиши кутилаётган сармоялар ҳисобига 2022 йил даражасида бўлиши*), **портфель инвестициялар** (*халқаро капитал бозорларида янги евробондлар жойлаштирилиши*) ва **ташқи қарз маблағлари** жалб қилиниши ҳисобига молиялаштирилиши кутилмоқда.

## II. Муқобил сценарий

Муқобил сценарийда, тўлов баланси кўрсаткичларининг шаклланишига қуйидаги **омиллар** таъсир қилиши мумкин:

**1.** Геоиқтисодий фрагментация жараёнларининг кучайиши ва глобал иқтисодиётнинг маълум соҳаларида заифликларнинг ортиши (масалан, Хитойда ипотека инқирози) оқибатида Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларида иқтисодий ўсишнинг кутилмаларга нисбатан паст даражада бўлиши;

**2.** Ўзбекистоннинг асосий экспорт хомашё товарларига ташқи ялпи талабнинг камайиши ҳамда қимматбаҳо металллар жаҳон нархларининг пасайиши;

**3.** Ўзбекистонга халқаро сайёҳлар оқимининг кутилмаларга нисбатан паст даражада кўпайиши;

**4.** Глобал пул-кредит шароитларининг қатъий даражада сақланиб қолиши натижасида ташқи қарз маблағларига хизмат кўрсатиш харажатларининг ортиши;

**5.** Геоэкономик вазиятнинг кескинлашиши, энергия ресурслари нархларининг пасайиши ҳамда санкцияларнинг кучайтирилиши оқибатида асосий жўнатувчи мамлакатларнинг валюта курсларидаги юқори тебранишларнинг кузатилиши ва меҳнат муҳожирлари фаолияти чекланиши ортидан пул ўтказмалари ҳажмининг камайиши;

**6.** Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг маълум даражада секинлашиши ва аҳоли реал даромадларининг мақбуллашиши натижасида импорт товарларига талабнинг камайиши.



**1-илова. 2021-2023 йиллар учун тўлов баланси***(таҳлилий кўриниши)**(млн. доллар)*

Кўрсаткичлар	2021 йил	2022 йил	2023 йил
<b>А. Жорий операциялар ҳисоби сальдоси</b>	<b>-4 897,5</b>	<b>-617,8</b>	<b>-7 787,6</b>
Товарлар, кредит (экспорт)	14 142,0	17 110,2	19 418,8
Товарлар, дебет (импорт)	22 908,7	28 309,2	34 475,6
Хизматлар, кредит (экспорт)	2 300,0	4 815,3	5 117,7
Хизматлар, дебет (импорт)	5 027,2	7 301,1	7 622,2
<i>Товарлар ва хизматлар сальдоси</i>	<i>-11 493,9</i>	<i>-13 684,7</i>	<i>-17 561,3</i>
Бирламчи даромадлар, кредит	2 554,0	4 211,3	3 552,5
Бирламчи даромадлар, дебет	2 196,7	3 308,4	4 313,6
<i>Товарлар, хизматлар ва бирламчи даромадлар сальдоси</i>	<i>-11 136,5</i>	<i>-12 781,7</i>	<i>-18 322,3</i>
Иккиламчи даромадлар, кредит	6 892,3	13 018,2	11 206,6
Иккиламчи даромадлар, дебет	653,4	854,3	671,9
<b>В. Капитал операциялари ҳисоби (олтин-валюта захираларидан ташқари)</b>	<b>32,2</b>	<b>22,2</b>	<b>8,4</b>
Капитал операциялар ҳисоби, кредит	32,2	22,2	8,4
Капитал операциялар ҳисоби, дебет	0,0	0,0	0,0
<i>Жорий операциялар ҳисоби ва капитал операциялар ҳисоби сальдоси</i>	<i>-4 865,3</i>	<i>-595,6</i>	<i>-7 779,2</i>
<b>С. Молиявий ҳисоб</b>	<b>-5 918,6</b>	<b>-305,0</b>	<b>-6 570,8</b>
Тўғридан тўғри инвестициялар, активлар	2,5	4,1	11,7
Тўғридан тўғри инвестициялар, мажбуриятлар	2 280,2	2 604,0	2 187,2
Портфель инвестициялар, активлар	0,0	0,0	0,2
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	0,0	0,0	0,2
Қарз инструментлари	0,0	0,0	0,0
Портфель инвестициялар, мажбуриятлар	1 995,8	27,1	995,5
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	16,0	25,6	23,3
Қарз инструментлари	1 979,8	1,5	972,2
Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари)	12,7	9,9	1,6
Ҳосилавий молиявий инструментлар, активлар	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молиявий инструментлар, мажбуриятлар	-12,7	-9,9	-1,6

Кўрсаткичлар	2021 йил	2022 йил	2023 йил
Бошқа инвестициялар, активлар	4 255,8	11 264,2	3 853,3
Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари	0,6	0,4	0,4
Қарз инструментлари	4 255,2	11 263,8	3 852,8
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно	222,9	1 645,8	-1 206,2
Давлат бошқарув сектори	-20,2	-21,1	-18,0
Бошқа секторлар	4 052,5	9 639,2	5 077,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ	4 052,5	9 639,2	5 077,0
Бошқа инвестициялар, мажбуриятлар	5 913,7	8 952,0	7 254,8
Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	5 913,7	8 952,0	7 254,8
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно	1 340,8	3 861,4	972,5
Давлат бошқарув сектори	1 404,1	3 134,2	2 988,2
Бошқа секторлар	3 168,7	1 956,4	3 294,1
Бошқа молиявий ташкилотлар	780,2	34,3	16,8
Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ	2 388,5	1 922,1	3 277,3
<b>D. Соф хатолар ва йўқотишлар</b>	<b>-1 519,7</b>	<b>-1 033,5</b>	<b>-1 513,2</b>
<b>E. Умумий баланс</b>	<b>466,4</b>	<b>1 324,2</b>	<b>2 721,6</b>
<b>F. Захиралар ва улар билан боғлиқ моддалар</b>	<b>-466,4</b>	<b>-1 324,2</b>	<b>-2 721,6</b>
Захира активлари	-466,4	-1 323,0	-2 751,8
ХВЖдан соф қарз жалб қилиш (ХВЖдаги захира позициясидан ташқари)	0,0	1,1	-30,2
Бошқа молиялаштириш	0,0	0,0	0,0

Ушбу статистик ҳисобот тўлов балансини тузиш қўлланмасининг (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) 6-нашрида келтирилган таҳлилий кўринишни акс эттиради.

**2-илова. 2021-2023 йиллар учун халқаро инвестициявий мавқеи**

(млн. доллар)

Кўрсаткичлар	01.01.2022й.	01.01.2023й.	01.01.2024й.
<b>Активлар</b>	<b>70 404,0</b>	<b>82 293,7</b>	<b>84 861,9</b>
<b>Тўғридан-тўғри инвестициялар</b>	<b>197,7</b>	<b>202,0</b>	<b>209,9</b>
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	29,8	31,6	37,1
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	29,8	31,6	37,1
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0
<b>Қарз инструментлари</b>	<b>167,9</b>	<b>170,3</b>	<b>172,8</b>
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	2,5	2,5	2,5
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	165,4	167,9	170,4
<b>Портфель инвестициялар</b>	<b>2,5</b>	<b>2,5</b>	<b>2,6</b>
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	2,5	2,5	2,6
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	1,1	1,1	1,1
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	1,4	1,4	1,5
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Қарз қимматли қоғозлари	0,0	0,0	0,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	0,0	0,0	0,0
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	0,0	0,0	0,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
<b>Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари</b>	<b>0,0</b>	<b>0,0</b>	<b>0,0</b>

Кўрсаткичлар	01.01.2022й.	01.01.2023й.	01.01.2024й.
<b>Бошқа инвестициялар</b>	<b>35 064,6</b>	<b>46 321,6</b>	<b>50 084,7</b>
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	1,2	1,6	2,0
Қарз инструментлари	35 063,4	46 320,0	50 082,6
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	2 935,4	4 556,9	3 242,7
Давлат бошқаруви сектори	3,3	3,7	4,9
Бошқа секторлар	32 124,7	41 759,4	46 835,1
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
<b>Захира активлари</b>	<b>35 139,2</b>	<b>35 767,5</b>	<b>34 564,6</b>
Монетар олтин	20 949,7	23 064,8	24 632,2
ХВЖдаги захира позицияси	0,0	0,0	0,0
Бошқа захира активлари	14 189,5	12 702,7	9 932,5
<b>Мажбуриятлар</b>	<b>53 586,4</b>	<b>63 407,4</b>	<b>72 492,1</b>
<b>Тўғридан-тўғри инвестициялар</b>	<b>11 606,0</b>	<b>13 763,5</b>	<b>14 803,8</b>
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	10 054,1	11 362,4	11 406,9
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	10 054,1	11 362,4	11 406,9
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	1 551,8	2 401,1	3 396,9
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	1 388,2	2 227,5	3 170,2
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	163,6	173,6	226,7
<b>Портфель инвестициялар</b>	<b>4 720,4</b>	<b>4 192,1</b>	<b>5 295,3</b>
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	83,5	105,8	123,7
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	37,1	48,4	57,4
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	46,4	57,4	66,3

Кўрсаткичлар	01.01.2022й.	01.01.2023й.	01.01.2024й.
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,9	1,3	1,7
Қарз қимматли қоғозлари	4 636,9	4 086,3	5 171,6
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	993,2	893,9	1 027,7
Давлат бошқаруви сектори	2 669,2	2 375,0	3 284,7
Бошқа секторлар	974,5	817,3	859,2
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
<b>Ҳосилавий молия инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари</b>	<b>11,5</b>	<b>2,0</b>	<b>0,4</b>
<b>Бошқа инвестициялар</b>	<b>37 248,5</b>	<b>45 449,8</b>	<b>52 392,6</b>
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0
Бошқа қарз инструментлари	37 248,5	45 449,8	52 392,6
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	6 766,0	10 441,1	11 348,2
Давлат бошқаруви сектори	15 290,6	18 007,8	20 969,0
Бошқа секторлар	15 191,9	17 001,0	20 075,4
Бошқа молиявий ташкилотлар	72,2	105,1	114,2
<b>Соф халқаро инвестициявий мавқе</b>	<b>16 817,6</b>	<b>18 886,3</b>	<b>12 369,8</b>